

А.А. Азларова, и.ф.н., ТДИУ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ КАМАЙТИРИШДА КРЕДИТ АХБОРОТ БЮРОЛАРИНИНГ ЎРНИ

В данной статье всесторонне освещается место кредитного информационного бюро в сокращении проблемных кредитов в коммерческих банках, а также проанализировано с теоретической точки зрения, информационного обеспечения кредита в преодолении проблемных кредитов и раскрыты задачи по их сокращению в коммерческих банках.

This article comprehensively covered place credit information bureau in reducing bad loans in commercial banks, as well as analyzed from a theoretical point of view, information security for the loan in staving of problem loans and disclosed targets for their reduction in commercial banks.

Калитли сўзлар: кредит, муаммоли кредит, кредит портфели, диверсификация, фоиз, кредит сиёсати.

Маълумки, банк тизими самарадорлигини ошириш банкларнинг иқтисодиёт реал секторини кредитлашдаги фаол иштироки билан боғлиқ. Бугунги кунда тижорат банклари кредитлаш фаолиятида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда, банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Натижада ҳозирги кунда юртимизда халқаро андозаларга мос келадиган кредит тизими шакллантирилган ва уни ривожлантириш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунга қарамай банклар кредит портфелини мунтазам оқилона бошқариб, уни соғломлаштириш борасида бир қанча ишлар олиб борилаётган бўлса ҳам банкларимиз кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши сезиларли даражада эканлиги бу борада қилиниши лозим бўлган ишларнинг мавжуд эканлигидан далолат беради. Муаммоли кредитларнинг кескин ортиб кетиши банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз муддатида бажара олишига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов банк молия, кредитлаш тизимини ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келадилар, ва бу борада ўз маърузаларида, “Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди” деб таъкидлаб ўтганлар[3].

Илмий адабиётларда муаммоли кредитлар бўйича турли таърифлар берилган. Айрим адабиётларда муаммоли кредит деганда, объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит тушунилса, айрим адабиётларда муаммоли кредитлар деганда, “қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширмаганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг

пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади”, дея таъриф берилган[4].

Фикримизча, муаммоли кредит деганда, "субстандарт", "шубҳали" ва "умидсиз" кредитлар сифатида таснифланган кредитлар тушунилади. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалдаги яққол намоён бўлиши натижасидир, чунки бу банк томонидан кредит рискларини тўғри бошқара олмаслик оқибати ҳисобланади.

Кредит тўпламини ташкил этиш ва уни таҳлил қилиш жараёнида муаммоли кредитлар вужудга келишига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

1. Кредит олиш учун берилган буюртманомани юзаки кўриб чиқиш.
2. Кредит олувчининг кредит қобилиятини ва қарз бериш билан боғлиқ хатарни нотўғри баҳолаш.
3. Кредит фоизини нотўғри белгилаш.
4. Кредит шартномасини нотўғри тузиш.

Тижорат банкларида муаммоли кредитларни кўпчилик банк мижозларининг қониқарсиз молиявий аҳволи, қарздорни кредит олиш қобилиятини нотўғри баҳолаш келтириб чиқаради.

Муаммоли кредитларни камайтиришда кредит ахборот бюроларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада кредит ахбороти алмашинуви тизимининг йўлга қўйилиши соҳа ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида” қонуннинг қабул қилиниши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Самарали кредит ахбороти алмашинуви кредитларнинг қайтмаслик ҳолатларининг олдини олади, яъни муаммоли кредитлар келиб чиқиш сабабларининг камайишида асосий дастаклардан саналади.

«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади кредит ташкилотларини истиқболдаги қарз олувчилар тўғрисида маълумотлар билан таъминлаш, кредит таваккалчилигини камайтириш ва молия-кредит интизомини мустаҳкамлашдан иборат.


Шу боис, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилган эди.

Бугунги кунда ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш бўйича Кредит ахбороти миллий институти ва кредит бюроси фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» МЧЖ ташкил этилди. Улар банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг қарздорлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тегишли ахборотлар базасини шакллантириш бўйича фаолиятни амалга оширмоқда.

Тижорат банкларининг кредит операцияларидаги энг "оғриқли нуқталардан" дан бири муддати узайтирилган қарзларнинг қайтарилиши бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда банк тизимидаги муддати узайтирилган

қарзларнинг умумий кредит қўйилмалари ҳажмидаги улуши 10 фоизни ташкил этади[1].

Қонун қабул қилинган Ҷзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 мартдаги “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ҷзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш тўғрисида” 74-сонли қарори билан “Банклараро кредит бюроси” негизида “Кредит таҳлилий маркази” кредит бюроси ташкил этилди.




1-расм. Кредит бюроси ахборот базасида Ҷисмоний ва юридик шахслар тўғрисида маълумотлари[8].

1-расм маълумотлари таҳлиliga кўра, 2012 йил 1 январь ҳолатига кредит бюроси ахборотлар базасида 511 380 та юридик шахс ва 321 452 та Ҷисмоний шахс тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, 2014 йил 1 январь ҳолатига келиб бу кўрсаткич мос равишда 839 007 ва 2 778 785 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин[8].


Шунингдек, тижорат банкларига тақдим этилган кредит ахборотлар сони 2-расм маълумотларига кўра, 2011 йил давомида 75 000 тани ташкил этилган бўлса, 2013 йил натижасига кўра 382 441 тани ташкил этиб, беш баробарга ошган.

Кредит ахборот бюроси томонидан тақдим этилаётган маълумотлар ёрдамида банкларнинг кредит портфели сифатини яхшилаш, ёмон активлар бўйича захира яратиш харажатлари камайишига, нисбатан юқори молиявий натижаларга эришилди.



2-расм. Кредит бюроси томонидан тижорат банкларига тақдим этилган кредит ахборотлар сони[9].

Бундан ташқари, самарали кредит ахборот алмашинув тизими яратилиши натижасида кредитлар ҳажмининг ошишига ва ишончли миқозларга минимал талаблар асосида кредит берилишига, кредит бозорида рақобатнинг ошиши ва фоиз ставкаларининг пасайишига эришилди, яъни қонун қабул қилинишидан кўзда тутилган мақсадлар амалга ошиши таъминланган (3-расм).



3-расм. Кредит бюроси ахборот базаси маълумотлари сони динамикаси¹[10].

Расм маълумотларига кўра 2012 йил 1 январь ҳолатига кредит бюроси ахборотлар базасида жами юридик ва жисмоний шахслар тўғрисида 832832 та маълумот мавжуд бўлса, 2014 йил 1 январь ҳолатига келиб бу кўрсаткич 3617792 тани ташкил этган.

Кредит ахбороти алмашинув тизимининг жорий этилиши натижасида кредит тарихи, ишбилармонлик обрўси тушунчалари кредит ташкилотлари ва

¹ Бозор, пул ва кредит. № 4, 2014 й.7-бет

салоҳиятли ташкилотлар онгига сингиб бориб, кундалик ҳаётда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Натижада:

биринчидан, кредит ташкилотлари қарздорлар тўғрисида ахборот олиш, кредит рискинни пасайтириш, кредит тизимини мустаҳкамлаш имкони ортди, бир шахснинг бир неча банкдан ёки кредит ташкилотидан кредит олиш ҳоллари кескин камайди;

иккинчидан, қарздорларда кредит интизомини мустаҳкамлашга, қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтаришга бўлган қизиқишни оширди, уларда ўз молиявий обрўсини ҳимоялаш ҳисси пайдо бўлди;

учинчидан, банк назорати учун ҳаққоний ва тезкор маълумот олиш йўлга қўйилди ва ниҳоят, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, банклар кредит қўйилмасининг баланс ва реестрдаги суммасининг ўзаро тенглиги устидан назорат йўлга қўйилди, бу кредит ахборотининг ишончилигини оширди.

Шу билан бирга, кредит ахборот алмашинуви борасида замонавий институт ташкил этилганлиги банк ва бошқа кредит ташкилотлари тизимининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунга келиб, Ўзбекистон банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 %га етиб, бу белгиланган халқаро мезонларга нисбатан 3 баробардан кўпни ташкил этмоқда[9].

Кредит ахборот алмашинуви бўйича ҳуқуқий базанинг яратилиши ва бунинг асосида замонавий кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ташкил этилиши, аввало, кредит таваккалчилигининг камайиши, кредит интизомининг мустаҳкамланиши, кредит портфели сифатининг яхшиланиши, шунингдек, муаммоли активлар бўйича захира яратиш харажатлари камайтирилиши, кредит портфели ҳажмининг оширилиши, кредит бозорида рақобатнинг оширилиши ва фоиз ставкаларининг камайтирилишига эришилди.

Кредитларни қайтармаслик хавфини камайтиришда кредит ахбороти алмашувининг самарали тизимини яратиш орқали йирик кредит субъектларининг кредит хатарларини тўғри баҳолаш, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги, молиявий аҳволи ва уларнинг ишбилармонлик қобилиятини таҳлил қилиш имкониятлари юзага чиқади.

Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг муаммоли кредитларга айланмаслигини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириб ўтамиз:

✚ кредит учун келиб тушган ариза бўйича атрофлича ёндашув, яъни дастлабки мониторингини тўғри ва мукамал амалга ошириш. Бу ерда, биринчи навбатда, миждознинг характериға, унинг молиявий аҳволиға, бизнес ҳамкорлари ўртасидаги мавқеиға ҳамда ушбу соҳадаги тажрибасиға эътибор қаратиш;

✚ кредит аризаси кўриб чиқилаётган даврда унинг банкка тақдим этаётган ҳужжатлар тўпламининг тўлиқлигини таъминлаш, уларнинг тўғрилигини текшириш талаб этилади. Кредит бўлими ходими томонидан унинг молиявий аҳволи чуқур таҳлил этилиши ва холисона баҳо берилиши керак;

✚ кредит ажратилган даврдан бошлаб, миждознинг бизнес-режа бўйича амалга ошираётган ишларини, ҳисобрақамидаги маблағлар айланмасини

доимий равишда назорат қилиб бориш, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

✚ кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш ва эксплуатация шароитини доимий равишда назорат қилиб бориш;

✚ кредит таъминоти сифатида учинчи шахснинг кафиллик шартномаси тақдим этилган бўлса, кафилнинг молиявий ҳисоботларини ҳар чорақда бир маротаба таҳлил қилиб, унинг тўлов қобилиятини ўрганиб бориш керак;

Маълумки, кредит ахборот алмашинуви, одатда, давлат реестри ёки нодавлат кредит бюролари томонидан олиб борилади. Чунончи, айрим мамлакатларда бу марказлашган ягона поғонали кредит ахборот алмашинуви тизими ҳисобланади. Бунда кредит ахборот алмашинуви давлат томонидан амалга оширилган ҳолда, кредит ахборотлари ягона давлат реестри томонидан юритилади. Баъзи мамлакатларда эса марказлашмаган кўп поғонали кредит ахбороти тизими фаолият юритади. Бунда кредит ахборот алмашинуви кредит бюролари ва давлат томонидан амалга оширилади[5].

Айрим мамлакатларда эса кредит ахборот алмашинуви кредит бюролари томонидан амалга оширилади, давлат Кредит ахборот алмашинуви реестрини юритади ва кредит бюроларининг фаолиятини назорат қилади.

Дарҳақиқат, “Кредит ахборот алмашинуви тўғрисида”ги Қонун кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий базасини шакллантирган ҳолда, кредиторлар ва қарздорларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратади. Қарз олувчиларнинг кредит тарихини тегишли давлат ташкилотлари ва бошқа кредит ахборот етказиб берувчилар маълумотлари ҳисобига кенгайтиради, ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотлар базасини бойитади.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда кредит ахборот бюролари фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги фикрларни билдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Кредит ахборот алмашинуви кичик бизнесни кредитлашни кенгайтириш, банклар микрокредит ташкилотларга кредит буюртмаларини қайта ишлаш муддатларини қисқартириш ва кредитларнинг қайтмаслик ҳолатларининг олдини олиш имкониятини беришга кенгроқ шароитлар яратиши лозим.

2. Кредит ахборот алмашинуви жараёнида кредит ахборотини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни тегишли давлат ташкилотларидан олиш тизимининг жорий этилиши алоҳида эътиборга моликдир. Ушбу идоралар томонидан кредит ахборот алмашинуви учун зарур ахборотларнинг тақдим этилиши тезкор, ишончли ва тўлақонли кредит тарихини шакллантиришга хизмат қилиши орқали муаммоли кредитлар юзага келишининг олдини олишга имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда, кредит ахборот алмашинуви қонунчиликда талаб этилганидек кредит тарихи тўғрисидаги ахборотлар базасини бойитиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кредит аризаларини қисқа

муддатларда кўриб чиқиш имкониятини вужудга келтириши, қисқа муддатларда кредит ажратиш ҳамда кредит бўйича сарф-харажатларни камайтиришга олиб келиши, банк операцион харажатлари ҳамда таваккалчиликларни камайтириб, тўлов интизомининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонун – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.11.2010 й. ПК-1438-сон "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори.
3. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. //Халқ сўзи, 17.01.2015й., №11 (6194).
4. Абдуллаев Ё., Абдуллаева Ш. Банк иши – Тошкент 2003.
5. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов ; Под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2007. - 384 с
6. Тоймухамедов И.Р. Банк иши. – Т. 2005 йил
7. Бозор, пул ва кредит, 2014. №1-3
8. Банк ахборотномаси, 2014 йил, № 1-20.
9. www.cbu.uz
10. www.bankinfo.uz